

дастурлари ҳам мавжуд. Икки йиллик магистрлик дастурлари учун камида 24 кредит ва битирув тезлиги талаб этилади, аммо баъзи дастурларда кредит талаблари юқори.

Одатий баҳо шкаласига 0-100 рақамли шкалалар киради, бунда 60 (Д) бакалавр даражасида индивидуал курслар учун минимал ўтиш баҳоси ҳисобланади. Бундан ташқари, А-Ф ҳарфларини тартибланиш шкаласи мавжуд бўлиб, уларнинг энг юқори баҳоси сифатида 4.3 ёки 4.5 бўлган иккита шакли мавжуд. Бакалаврият дастурларини тугатиш учун одатда ўртача балл камида 70 ёки С (2.00) талаб қилинади. Магистратура босқичида битирув одатда якуний ГПА нинг 3.0 (Б ёки 80) ни талаб қилади. Битирувчи дастурлар бўйича индивидуал курслар учун ўтиш баҳоси бакалаврият дастурларига нисбатан юқори бўлиши мумкин (яъни 70 ёки С). Яна шуни ҳам қўшимча қилиш мумкинки, талаб этилган баҳони қўлга кирита олмаган талаба Университетдан четлаштирилмайди балки, тўлов контрактини ҳеч қандай чегирмаларсиз, 100% тўлашга мажбур бўлади. Ҳар бир талабанинг тўлов контракти ҳар бир семестерда тўплаган балига ва олган баҳосига узвий боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т. Корея Республикаси: Маданияти, сиёсати, иқтисодиёти. Тошкент, 2006. 5-53 бетлар.

2. Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т. Развития информационного технологи Корейский Республики и его значения для Узбекистана. Ташкент 2005. 50-75 с.

3. Абдурахмонов К.Х., Додобоев Ю.Т. Мировая экономика, Ташкент, 2005. С .101–160.

*М.С. Хамраев, М.М. Исроилов, илмий раҳбар Ш.Н. Ахунова
Андижон давлат университети
Ўзбекистон
dodoboev49@mail.ru*

АҲОЛИ ТОМОНИДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг ягона энергетика тизими, унинг муаммолари ва истиқболлари ҳақида ўтказилган монографик тадқиқот натижалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Энергетика тизими, монографик тадқиқот, энергетика сиғими, энергетик тежамкорлик.

Фуқароларнинг электр энергиясидан фойдаланишига фақат уларнинг энергия таъминловчи ташкилот билан имзоланган шартномаси асосида йўл қўйилади. Фуқаро билан имзоланган электр таъминотининг шартномаси муддатсиз деб ҳисобланади. Агарда шартнома маълум муддатга тузилган бўлса, ва унинг ҳаракат муддатининг охиригача томонлардан бирортаси ҳам унинг тугалланиши тўғрисида эълон қилмаса, шартнома худди ўша муддатга ва ўша шартларда узайтирилган деб ҳисобланади.

Энергия таъминловчи ташкилотлар томонидан турар жой уйларининг электр тармоғига уланиши учун техник шартларнинг ва шунингдек фуқароларнинг шахсий эгаллигида бўлган барча электр қурилмаларни (турар жойлар, боғ уйлари, дала ҳовлилар, гаражлар, устахоналар ва шуларга ўхшаш объектлар) лойиҳалаштирилишига, монтажига, фойдаланиш учун рухсат берилишига ва шунингдек улардан фойдаланишига қўйиладиган талабларнинг тақдим этилиши

ҳаракатдаги ПЗУ, ПЭ, «Шахсий уйлар ва бошқа шахсий иншоотларни электр билар таъминланиши бўйича намунавий йўриқнома» томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг турар жой уйларини (шу жумладан дала ҳовлиларини) энергия таъминловчи ташкилотнинг электр тармоғига уланиш учун тўлов алоҳида олинмайди. Фуқаролар уланиш тўловини энергетика ресурслари тарифларидаги инвестицион таркибловчи қисм орқали амалга оширадилар.

Турар жой уйларининг электр тармоғига уланиши мазкур уйлардаги электр қуриламаларининг хавфсизлик бўйича меъёрий-техник ҳужжатларининг талабларига ва фойдаланишда уларнинг қониқарли ишлашини таъминлаш шартларига мувофиқлиги сертификатининг фақат мавжудлиги шартида амалга оширилиши мумкин. Фуқаро токни ўтказувчи тармоқнинг техник имкониятидан келиб чиққан ҳолда маиший фойдаланиш учун ўзига зарурий миқдордаги электр энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Энергияни таъминловчи ташкилот фуқаро билан тузилган электр таъминоти шартномасида электр маиший приборларининг рухсат этилган бир вақтдаги энг юқори юкламасини кўрсатиши шарт. Агар токни ўтказувчи тармоқнинг техник ҳолати фуқаро учун зарурий миқдордаги электр энергиясини истеъмол қилиши учун йўл қўймайдиган бўлса, у энергия таъминловчи ташкилотда олинган техник шартлар асосида мавжуд электр тармоғининг қайта қурилиши бўйича техник тадбирларни амалга ошириши мумкин.

Янги турар жой уйларини электр тармоғига улаб ёқиши учун рухсатномани олиш учун уй эгаси ёки мазкур функцияларни бажариш ваколатига эга бўлган орган ҳар бир хонадон ижарачиси билан электр таъминоти шартномасини тузиш учун энергияни таъминловчи ташкилотга турар жой уйида ўрнатилган ҳисобловчи электр ҳисоблагичлар тўғрисидаги рўйхатни (рақами, тоифаси, ишлаб чиқарувчи завод, давлат текшируви йили, электр ҳисоблагич кўрсатмаси, хонадон рақами) тақдим этиши шарт.

Аввал фойдаланишда бўлган турар жой уйларида ёки алоҳида фуқароларнинг хусусий эгалик ҳуқуқидаги уйларида, боғ участкаларида, шахсий автомашиналарнинг гаражларида ва ш.ў. жойларда янги электр узатма симларининг ёкилишига рухсатнома олиш учун истеъмолчи энергия таъминловчи ташкилотга мувофиқ аризани топшириши шарт. Энергия таъминловчи ташкилот 30 кунгача муҳлат ичида аризани кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилиши керак.

Янги қурилган турар жой уйларида, мукамал таъмирланишдан кейинги эски турар жой уйларида, ва фойдаланишдаги турар жой уйларида ўрнатилган электр жиҳозларни фойдаланишга тушириш давлат энергетика назоратининг йўриқчиси томонидан амалга оширилиши лозим. Камчиликлар аниқланган тақдирда йўриқчи уларни бартараф қилиниши учун уларнинг рўйхатини тузади. Электр жиҳозларининг тарқорий кўригини инспектор фойдаланишга топшириладиган объектни ўз балансига қабул қиладиган ташкилотнинг фақат чақирув қоғози бўйича амалга оширади. Электр узатма симларининг кучланиш остида ёқиши кўриқдан сўнг 5 кун мобайнида ва уларнинг фойдаланиш учун рухсатномаси асосида амалга оширилади.

Турар жой уйининг электр жиҳозларини ва электр узатма симларининг фойдаланиш учун рухсат берилганидан кейин уй эгаси ёки мазкур функцияни бажариш учун ваколатланган орган энергияни таъминловчи ташкилот билан энергияни техник ва умумхўжалик эҳтиёжлари учун узатиш ва ундан фойдаланиш бўйича шартнома тузади. Шу билан бир вақтда энергияни таъминловчи ташкилот масул хонадон ижарачиларининг ҳар бири билан шартнома тузган ҳолда, уларнинг номларига ҳисоб рақамларни очади ва томонларнинг асосий ҳуқуқларини, мажбуриятларини ва масъулиятини кўрсатиб уларга абонентлик дафтарчаларини топширади.

Аҳоли (фуқаролар) хонадонларда, ёрдамчи хўжаликларда, томорқа участкаларида дала ҳовлиларида, шахсий автомашиналарнинг гаражларида ҳамда бошқа шахсий фойдаланиш объектларида маиший эҳтиёжлар учун истеъмол қилинган энергия учун минтақавий энергетика комиссияси томонидан белгиланган бир ставкали тариф бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширади. Фуқро томонидан фойдаланилган энергия миқдорини аниқлаш ҳар бир ойнинг тугашида энергия ҳисоби приборларининг кўрсатмаси бўйича амалга оширилади.

Маиший истеъмолчиларга узатилган электр энергия учун ҳисоб-китоблар қўйидагича амалга оширилиши мумкин:

энергия таъминловчи ташкилот томонидан берилган абонементлик дафтарчалари бўйича ўз-ўзига химат кўрсатиш методи орқали ёки турар жой коммунал ташкилотлари томонидан берилган ягона ҳисоб-китоб дафтарчали бўйича.

бу ҳолда истеъмол қилинган электр энергиясининг тўлов ҳужжатлари ўрнатилган муддат ичида Халқ банкининг филиаллари ва алоқа бўлимлари орқали тўланади;

нақд пулсиз тўловлари методи орқали халқ банкида. Бунинг учун маиший абонент энергия таъминловчи ташкилот билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли тўғрисида халқ банки билан шартнома тузиши керак бўлади;

қўшимча тўлов ҳужжатлари бўйича, агарда қарздорлик ёки ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори аниқланадиган бўлса. Мазкур ҳужжат энергияни таъминловчи ташкилот томонидан ёзилиб, абонентга топширилган кундан бошлаб 10 кунлик муҳлат ичида халқ банки ёки алоқа бўлимлари орқали тўланади.

Энергия таъминловчи ташкилотнинг рухсати билан электр энергиясидан ҳисоблагичсиз вақтинча фойдаланишда маиший абонентлар билан ҳисоб китоблар тартиби томонларнинг келишуви бўйича ўрнатилади.

Энергияни чакана бозори ривожланишининг истиқболлари. Энергияни чакана бозорларини ислоҳотлаштиришнинг бошланғич босқичида уларга хос белгиларни ҳисобга олиш керак - «Ўзбекэнерго» ДАКни ислоҳотлаштириш суръатлари ва уларнинг фаолият кўрсатиши хусусиятлари минтақаларнинг техник ва иқтисодий хусусиятлари билан мувофиқлаштирилиши керак. Ислоҳотлаштириш жараёнида биринчи галдаги вазифа минтақа истеъмолчилари энергия таъминотининг ишончлилигини таъминлаш бўлиб қолади.

Чакана бозорлари самарадорлигининг муҳим шarti - мустаҳкам ва молиявий жиҳатдан шаффоф минтақавий энергетика компанияларини, шу жумладан «Ўзбекэнерго» ДАКни ислоҳотлаштириш асосида яратилиши бўлади. Минтақавий яратувчи ва минтақавий тармоқли компанияларини яратиш, яъни фаолиятнинг мувофиқловчи ва рақобатли турларини бўлиштириш тахмин қилинади. Фаолият турларини бўлиш ҳамда уларнинг алоҳида молиявий ҳисоби истеъмолчиларни энергия бозорининг тармоқли инфратузилмага тенг ҳуқуқли кириб келиши учун шароитни шакллантириш омилларидан биридир.

Бозор шароити таъсирида инвестицион жиҳатдан манфаатли ва молиявий мустаҳкам минтақавий тармоқли компанияларни яратиш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАКни йириклаштириш учун йўл қўйилади.

Узатилган энергиянинг чакана нархи электр энергиясининг улгуржи нархи, узатиш ҳамда тақсимлаш бўйича хизматлар тўлови ва мувофиқланадиган сотиш устамасининг жамланма суммасидек белгиланиши керак. Ислоҳотлаштиришнинг дастлабки босқичларида сотувчи компанияларнинг фаолияти истеъмолчиларга нисбатан виждонсиз мунсабат имкониятини чеклайдиган давлат томонидан мувофиқлаштириш шароитида амалга оширилади.

Кейинчалик ўрнатилган талабларни қониқтира оладиган ҳар қандай тижорат ташкилоти сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда ҳар қандай сотувчи ташкилотнинг хизматларидан фойдаланадиган истеъмолчилар учун тақсимловчи тармоқларга тенг ҳуқуқли кириш кафолати таъминланиши керак. Мустақил сотувчи ташкилотлар энергияни истеъмолчиларга келишиладиган нархларда етказиб бериши керак. Энг кам ҳажмдаги истеъмол талабига жавоб бера оладиган ва энергияни тижоратли ҳисобининг зарурий тизимлари билан қуролланган ҳар қайси истеъмолчи мустақил сотувчи ташкилотдан электр энергиясини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Чакана бозорларда сотувчилик фаолияти билан бирга ўзига қарашли электр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш учун ҳам йўл қўйилади.

Чакана бозорда энергияни узатиш ва тақсимлаш (шу жумладан электр узатманинг янги линияларини фойдаланишга тушириш) фаолиятини амалга оширадиган ҳар қандай эгалик ҳуқуқидаги ташкилотлар мазкур фаолият турини ташкил қилишдан алоҳидалаштириши, ҳамда алоҳида юридик шахсни яратиб барча манфаатдор мижозлар учун тармоқларга тенг ҳуқуқли киришни таъминлаши мажбурий бўлади. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги бўйича энергияни узатиш ва тақсимлаш хизматлари мувофиқлаштириш тасарруфида қолади.

Энергияни яратиш босқичида рақобатни ривожлантириш техник сабаблар бўйича ҳозирча мумкин бўлмаган Ўзбекистон ҳудудларида давлат томонидан мувофиқлаштириш сақланиб қолади.

Электр энергетикаси тармоғини ислоҳлаштириш даврида электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозорларида ишлаш учун тенг шароитни таъминлаш ҳамда энергия истеъмолчиларини қарама-қарши молия билан таъминлашдан воз кечиш масаласи ҳал қилиниши лозим. Чакана бозорларида қарама қарши молиялаштириш кўпчилик ҳолларда РЭК истеъмолчиларнинг имтиёзли гуруҳлари (қишлоқ хўжалиги, аҳоли) учун иқтисодий асосланганларга қарши камайтирилган тарифларни тасдиқлаб, молия юкласини бошқа гуруҳ истеъмолчилар (саноат, транспорт) зиммасига кўчириб юклашининг оқибатида юзага чиқади. Буларнинг барчаси тариф сиёсатининг барқарорлигига ва башоратлилигига ҳамда оқибатда тармоқнинг инвестицион манфаатдорлигига умуман оширилишига кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. В Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 2018.
2. Указ Президента Республики Узбекистан от 07.02.2017 г. №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистана».
3. Статистический сборник промышленность Узбекистана 2014-2017, Ташкент, 2019. С. 25-48.
4. Камелетдинов У. Пути развития механизмов ГЧП в энергетическом секторе Узбекистана. Журнал: «Банк, Деньги, Кредит». №1 2019. С. 42-48.
5. Додобоев Ю.Т. Қишлоқ хўжаликнинг электрлаштириш. Тошкент, 1983. 85 – 87 бетлар.
6. Додобоев Ю.Т. ва бошқалар энергетика соҳасининг иқтисодиёти ва менежменти. Тошкент, 2018. 110–130 бетлар.
7. Додобоев Ю.Т. Ва бошқалар фермер хўжаликларни иқтисодиёти. “Халқ сўзи” рўзномаси, 2018–2020 йиллар.